



Tadqiqot.uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



No 23
25 декабрь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 23-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
1-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
23-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-1**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
23-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-1**

ТОШКЕНТ-2020



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 23-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 декабрь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 19 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Н.Ашурова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҚОНУНИДА ВОЯГА ЕТМАГАН
ШАХСНИ ФАЙРИИЖТИМОЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРГА ВА ЖИНОЯТГА
ЖАЛЬ ҚИЛГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯЛАШ
МАСАЛАЛАРИ..... 7

2. Sultonova Muqaddas Nurboyevna

YOSHLARNING HUQUQIY MADANIYATINI OSHIRISH MUAMMOLARI 12

3. Тўраев Равшанбек Нормамат ўғли

ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШ ТАРИХИ 13

4. Маматова Зарифа Баходировна

ҲУҚУҚ ФАНИНИ ЎТИШДА ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ
САМАРАДОРЛИГИ..... 16



ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҚОНУНИДА ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИ ФАЙРИИЖТИМОЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРГА ВА ЖИНОЯТГА ЖАЛБ ҚИЛГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

H.Aширова
Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси Ҳарбий-техник
институти мустақил изланувчиси
Телефон:+998996050550
ashurova_N@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга ва жиноятга жалб қилганлик учун жавобгарликни дифференциациялаш масалалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: вояга етмаган шахс, ғайриижтимоий хатти-ҳаракат, жиноий жавобгарлик, дифференциациялаш.

Вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш жиноятларини жиноят-хуқуқий ва криминологик ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга ва жиноятга жалб қилиш жиноятларини ўрганиш натижаларига кўра, ушбу жиноятнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (ЖКнинг 127-моддаси 1-қисми) тури суд амалиётида учрамади. Вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилишга жалб этиш (ЖКнинг 127-моддаси 2-қисми) тури суд амалиётида учрайди ва бу жиноят тури Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 127-моддасининг умумий ҳолда 14% ҳолатида содир этилаётганлиги маълум бўлди. Вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш (ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми) тури суд амалиётида қўп учрайди ва бу жиноят тури Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 127-моддасининг умумий ҳолда 86% ҳолатида содир этилаётганлиги маълум бўлди.

Вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш жиноятлари алоҳида ўрганилганида энг кўп содир этилиши ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга жалб қилиш – 13% ни, унча оғир бўлмаган жиноятларга жалб қилиш – 76% ни, оғир жиноятларга жалб қилиш – 9% ни ва ўта оғир жиноятларга жалб қилиш – 2% ҳолатни ташкил этди. Унча оғир бўлмаган жиноятларга жалб қилишнинг қўп учраганлигининг асосий сабаблари бўлиб, вояга етмаган шахсларни жиноятга жалб қилишнинг гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб жиноят содир этишлари жиноятларнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларида квалификация қилинганлиги сабабли бўлганлиги маълум бўлди.

Вояга етмаган шахсларни жиноятга жалб қилишда энг кўп жалб қилинган жиноятлар бўлиб талончилик, фирибгарлик, ўғрилик каби жиноятларни содир этишга жалб қилиш ҳолатлари кўп учради. Ушбу жиноятлар ўрганилганида оғир ва ўта оғир жиноятларга жалб қилиш ҳолатлари вояга етмаган шахсларни жиноятга жалб қилишнинг уюшган гуруҳларга жалб қилинганлиги каби квалификация қилинганлик ҳолатлари сабабли содир этилганлиги маълум бўлди.

Вояга етмаган шахсларни жиноятга жалб қилиш жиноятларида жиноят субъектларини ўрганиш шуни кўрсатадики, вояга етмаган шахс билан жалб қилувчининг ёшида кўп фарқ йўқлиги маълум бўлди. Жумладан, аксарият ҳолларда вояга етмаганларнинг ёшлари 16-17 ёшни ташкил этган бўлса, уларни жиноятга жалб қилганларнинг ёшлари 18-22 ёшларни



ташкил этганилиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасида ушбу жиноятни дифференциациялашнинг юқорида баён этилган мезонлари ўз ифодасини топмаган ва бу ушбу жиноятга қарши курашиб механизмига ўзининг салбий таъсирини ўтказади. Санаб ўтилган мезонлар суд томонидан жазо тайинлашда инобатга олиниши мумкин. Бироқ ушбу асослар норматив ҳуқуқий хужжатларда вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этишда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қайд этилмаган. Шундай экан бу ҳолатда норматив ҳуқуқий хужжатларга асосланмаган ҳолда суд юқоридаги ҳолатларни оғирлаштирувчи мезон сифатида баҳолаш имконидан маҳрумдир. Ваҳоланки вояга етмаган шахсни жиноят қилишга ота—она, васий, ҳомий, ўқитувчи ёки болани тарбиялаш мажбурияти юкландиган бошқа шахс томонидан жалб этиш; зўрлик ишлатиб ёки уни қўллаш таҳдиди билан; уюшган гурӯҳ ёки жиноий уюшмага; оғир ёки ўта оғир жиноят қилишга жалб этиш ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини бир қадар оширади ва қонун чиқарувчи томонидан инобатга олинишини талаб этади.

Масалан, мамлакатимизда ёшларни ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ёшларга оид сиёsat ишлаб чиқилган ҳамда уузлуксиз амалга ошириб борилади. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёsatининг асослари тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида ёшларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб кўйилган [1].

Бироқ, ўзининг ғайриижтимоий қилмишларини амалга ошириш учун ҳали оқ-қорани ажратадиган вояга етмаганлардан фойдаланиш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Бу эса вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганилик учун жиноий жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашни такозо этади.

Бу борада мамлакатимизда вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари вояга етмаганлар назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этиш ҳолларини аниқлаш ва уларга барҳам беришдан иборат эканлиги мустаҳкамланган [2].

Худди шунингдек, 2014 йил 14 майда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасида ҳам вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида сўз юритилган [3].

Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этганилик учун жавобгарлик масаласи, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан алоҳида муҳофазага олинган. Унинг 45-моддасида вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамланган.

Ижтимоий хавфли қилмиш учун жиноий-ҳуқуқий характердаги жавобгарлик бирмунча жиддий хусусият касб этади. Шунга кўра Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 127-моддасида вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Мазкур модда уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми маъмурий преюдицияга эга. Яъни, қилмиш учун шахсни вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун жиноий жавобгарликка тортишнинг зарурий шарти унинг муқаддам ҳудди турдаги қилмиш учун маъмурий жавобгарликка тортилганлиги ҳисобланади.

Ушбу моддада вояга етмаган шахсни тиламчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идроқига таъсир қиласидиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Шунингдек, вояга етмаган шахсни гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш Жиноят кодекси 127-моддасида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган.



Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этганлик учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларнинг илгари гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ғайриқонуйй равишда муомалага чиқариш билан боғлиқ ҳар қандай жиноятни содир этган шахс томонидан, икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсга нисбатан ҳамда ўқув юртларида ёки ўқувчилар, талабалар ўқув-тарбия, спорт ёки жамоат тадбирлари ўтказадиган бошқа жойларда содир этилиши каби ҳолатлар ҳам мустаҳкамланган.

“Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 21-сонли қарорнинг 7-бандида судларга 18 ёшга тўлган ва жиноятни қасдан содир этган шахслар вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тушунтирилган. Шунингдек, вояга етган шахс ўз ҳаракатлари билан вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилаётганини билгани ҳолда ёки шундай фикрга йўл қўйганини ҳам аниқлаш лозим. Агарда вояга етган шахс вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қиласаю, унинг вояга етмаганлигини билмаса ёки билиши мумкин бўлмаса, бу ҳолда ЖКнинг 127-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Юқорида қайд этилганидек, ЖКнинг 127-моддасида вояга етмаган шахсни гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган. Шунингдек, ЖКнинг XIX бобида гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар учун алоҳида боб назарда тутилган. Жумладан, ЖКнинг 274-моддасида гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этганлик учун жавобгарлик ўрнатилган.

Бизнингча, вояга етмаган шахсни гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш билан боғлиқ қилмишни ЖКнинг 274-моддасида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ. Бундай ўзгартириш мазкур турдаги қилмишларни қуидагича дифференциация қилиш имконини беради:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилганлик учун жавобгарлик;
- такроран содир этганлик учун жавобгарлик;
- оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишга жалб этганлик учун жавобгарлик.

Юқорида келтирилган ҳорижий давлатларнинг жиноят қонунчилиги таҳлили ва тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки тадқиқ этилаётган масалада жавобгарликни дифференциациялаш орқали жавобгарлик ва жазонинг айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилил даражасига мувофиқлигини таъминлаш мумкин. Шунга асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 127-моддасида юқорида таҳлил этилган дифференциациялаш мезонларидан келиб чиқиб, санкцияни мутаносиб равишда таснифлаган ҳолда киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жазо тайинлаш жиноят ҳуқуки нормаларини қўллашнинг мухим таркибий қисми ҳисобланади. Мазкур босқичда судга жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан адолатли индивидуаллаштирилган жазо тайинлаш вазифаси юклатилган. Жазони индивидуаллаштириш деганда қонунга асосан суд томонидан ўзининг ички ишончиға асосланган ҳолда содир этилган муайян жиноятнинг тавсифи ва ижтимоий хавфлилил даражасига, ишнинг оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларини инобатга олган ҳолда, айборнинг шахсиятини тавсифловчи маълумотларга мувофиқ бўлган, жиноят содир этган шахснинг ахлоқан тузалиши ва у, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишнинг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тури ва муддатини танлаш тушунилади [4].

Жиноят кодексининг 54-моддасида баён этилган бўлиб, Суд ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмнинг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди. Жазо тайинлашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилил даражаси айборнинг шахси, қилмишнинг сабаби, етказилган заарнинг хусусияти ва миқдори ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳам инобатга олинади.

Жазони индивидуаллаштиришнинг умумий қоидаларига кўра маҳсус қисм моддаларида белгиланган санкция доирасида жазо тайинланиши лозим. Бунда жиноий ҳуқукий таъсир



чораларини аниқ тайинлаш мақсадида модда санкциясида жазони қатъий чегараланиши талаб этилади.

У ёки бу жиноят учун санкция доираси, шу жумладан, уни ошириш масалаларини аниқлаш ҳар доим амалиётчи юристлар, олимлар ва қонун чиқарувчилар диққат марказида бўлиб келган. Н.Н. Кондрашков фикрича, "Қонун чиқарувчи санкция чегарасини ўз хоҳишига кўра эмас балки унинг олдида муайян даврда турган маълум бир жиноят турларига қарши кураши кучайтириш ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан юмшоқроқ таъсир чораларини қўллаш имкониятидан келиб чиқиб белгилайди. Қонун чиқарувчи турмушдаги ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар, жиноятчиликка қарши кураш борасида тўпланган тажриба суд амалиёти маълумотлари, илмий тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб ёндошади. Демак, санкция тавсифи ва мазмунини аниқлаш асосида объектив жараёнлар ва объектив ҳолатлар ётади" [5].

Амалдаги жиноят кодексида вояга етмаган шахсни жиноятга жалб этганлик учун санкциянинг минимал ва максимал муддатларини мувофиқлаштириш орқали уни оптимальаштириш лозим. Санкцияда вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этганлик учун беш йилдан ўн йилгача (умумий муддат) озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлиб суд жазо тайинлашда қилмишнинг хавфлилигини ва айборнинг шахсини тавсифловчи ҳолатларни инобатга олади. Амалдаги қонунчиликда қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини кўрсатувчи қатъий қоида мавжуд бўлсада, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти нимада намоён бўлиши тартибга солинмаган. Шуни инобатга олган ҳолда ушбу ҳолатларни қўшимча равишда изоҳлаш зарур.

Қайд этиш жоизки вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этишда суд унинг маҳсус хусусиятларини, жумладан, тажовузнинг бир гурух ёки рецидив мазмунга эгалигини инобатга олиши лозим. Суд, шунингдек айборнинг шахсини тавсифловчи ҳолатларни ҳам инобатга олиши лозим.

Вояга етмаган шахсларни жиноятга жалб этиш юзасидан қўзгатилган жиноят иши материалларини тадқиқ этиш натижасида жалб этувчи ва жалб этилаётган шахсларнинг ўзаро муносабатларини ўрганиш имконияти туғилди. Бу ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики аксарият ҳолларда жиноят қилишга жалб этажетган ва жалб этилаётган шахслар ўзаро таниш бўлиб, уларнинг ёшлари ўртасидаги фарқ 5 йилдан ошмайди (57,9% ҳолатда). Бундан келиб чиқадики, жалб этувчи шахслар жалб этилаётган шахснинг яқин таниши бўлган ва улар умумий манфаатларга ҳамда умумий дунёкарашга эга бўлган. Жалб этувчи шахсларнинг 55,2 % ни 18-22 ёшдаги шахслар ташкил этади. 23-30 ёш оралиғидаги шахслар 30,5%ни, 31-40 ёшдагилар 11,1%ни, 40 ёшдан катталар 3,2% ни ташкил этади. Жиноятчилярнинг оиласиз аҳволи ўрганилганда уларнинг аксарияти оиласиз эркаклар эканлиги аниқланди.

Уларнинг касбий фаолияти ўрганилганда, жалб этувчиларнинг 57,1% жиноятни содир этиш вақтида ишламаган ва ўқимаган. Қолган қисмини ўқиши ёки иш билан банд фуқаролар ташкил этган бироқ уларнинг кўпчилиги юқори малака талаб этмайдиган жисмоний меҳнат билан шуғулланган. Жалб этувчиларнинг олдинги хулқ-атвори ўрганилганда улардан 48,5% олдин судланган шахсларни ташкил этади.

Суд томонидан вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этганлик учун айборнинг шахсини инобатга олган ҳолда жазо тайинлашда суд унинг меҳнатга, таълимга, фуқаролик бурчларини бажаришга муносабатини, турмушдаги хулқ-атворини, соғлиғининг ҳолати ва меҳнатга лаёқатлилигини, оиласиз аҳволи, судланганлиги тўғрисидаги маълумот ва бошқаларни аниқлаши талаб этилади.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар суд томонидан ҳар бир жиноят ишида ва ҳар бир судлавчига нисбатан тўла ва батафсил таҳлил этилиши лозим. Зеро, суд томонидан тайинланадиган жазонинг тури ва муддатини асослаш имконини беради ва бу билан ижтимоий адолатни тиклаш, айборни ахлоқан тузатиш ва жиноятларнинг олдини олишга кўмаклашади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, амалиётда юзага келувчи қатор муммоли масалаларнинг ечимини топиш мақсадида вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этганлик учун жавобарликни диференциациялаш тақозо этилмоқда. Бу бир томондан, вояга етмаган шахсларни жиноятга жалб этишнинг айрим белгилари, хусусан, ота-она, васий, ҳомий, ўқитувчи ёки болани тарбиялаш мажбурияти юкланган бошқа шахс томонидан жалб этиш; зўрлик ишлатиб ёки уни қўллаш таҳди迪 билан; уюшган гурух ёки жиноий уюшмага; оғир



ёки ўта оғир жиноят қилишга жалб этиш ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини бир қадар ошириши билан изоҳланса, бошқа бир томондан, қонунчиликда мавжуд бўшлиқларни тўлдиради, яъни муайян жиноятнинг тавсифи ва ижтимоий хавфлилик дараҷасини, ишнинг оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлари, айборнинг шахсиятини тавсифловчи маълумотларни инобатга олган ҳолда жиноят содир этган шахснинг ахлоқан тузалиши ва жиноят содир этишнинг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тури ва муддатини танлашга кўмаклашади ва ижтимоий адолат тикланишини таъминлайди.

Юқорида ўрганилган айрим хориж давлатларининг жиноят қонунчилиги таҳлили ва тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тадқиқ этилаётган масалада жавобгарликни дифференциациялаш орқали айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олган ҳолда баҳоланишига имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда.
4. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят хуқуқи курси. II том. – Т., “Илм зиё”. 2011. 94-б.
5. Кондрашков Н.Н. Меры наказания в законе и на практике // Социалистическая законность. 1994. №2. – С.20



YOSHLARNING HUQUQIY MADANIYATINI OSHIRISH MUAMMOLARI.

*SULTONOVA MUQADDAS NURBOYEVNA
NAVOIY VILOYATI KARMANA TUMANI
XALQ TA'LIMI BO'LIMIGA QARASHLI
31-UUMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTAB PSIXOLOGI.*

Annotatsiya: Ushbu maqolada yoshlarning huquqiy madaniyati , huquqiy bilimlari, huquqiy savodxonlik darajasi, ularning amaldagi qonunlarga nisbatan hurmati kabilar yoritilgan.

Kalit so'zlar: huquqiy, savodxonlik, funksiya,

Shuni ta'kidlab o'tish kerakki, huquq hamda madaniyat bir-biriga o'zaro bog'liq kategoriyadir. Madaniyat tushunchasi bu insonning mustaqil va har tomonlama yukalishiga zamin yaratuvchi hamda jamiyatdagi ijtimoiy rivojlanish ko'rsatkichining o'lchov ko'rinishida o'z aksini topadi. Yoshlarning huquqiy madaniyati tushunchasi esa huquqiy jihatdan birmuncha murakkab kategoriyaligi bilan ajralib turadi. Yoshlarning huquqiy madaniyati deganda, huquqiy bilimlari, huquqiy savodxonlik darajasi, ularning amaldagi qonunlarga nisbatan hurmati, huquqiy me'yorlarga rioya qilishi, huquqlarning buzulganligiga nisbatan murosasiz bo'la olishi, qonunlarga amal qilishi, huquqiy faolligi hamda ularnin tashabbus ko'rsata olish darajasini tushunamiz. Yoshlardagi yetuk huquqiy madaniyat bevosita jamiyatimizning taraqqiyotiga zamin yaratadi. Ana shulurni e'tiborga olgan holda yoshlarda yuqori darajadagi huquqiy savodxonlikni oshirish, faolligini kuchaytirish ularni tashabbuskorlikka targ'ib qilish va ijodiy faoliyatini yanada isloh qilish, asosan ta'lim va tarbiya jarayonida o'z aksini nomoyon qiladi.

Hammamizga ma'lumki, ta'lim va tarbiya jarayonida yoshlardagi yuksak huquqiy madaniyat, jamiyatimizning taraqqiyotini ta'minlovchi muhim jihatdir. Yuksak huquqiy madaniyat-demokratik yo'ldan borayotgan jamiyatning tayanchi hamda huquqiy tizimning yuksaklik ifodasidir. U jamiyatdagi turli sohadagi real jarayonlarga faol ta'sirini ko'rsatuvchi insonlarning barcha ijtimoiy sinflarning birlashuviga bevosita yordamlashuvchi jamiyatning bir butunligini ta'minlashga xizmat qiladigan omildir. Huquqiy jamiyatdagi huquqiy tizimning samarali faoliyat ko'rsatshini asosiy va muhim talablaridan biri bu qonunni hurmat qilishdir.

Huquq hamda majburiyatlarga subyektiv-ruhiy munosabat, huquqiy faoliyat jarayonida ularning amalga oshirishi yoshlarning huquqiy madaniyati mazmuninig asosiy unsurlaridan biri hisoblanadi. Huquqiy hayotning barcha hodisalarini baholashda hal qiluvchi ahamiyatga ega bo'lган yana bir jihat shundaki, bu yoshlarning huquq va majburiyatlarga nisbatan munosabatidir.

Yoshlardagi huquqiy ongning yetukligi, ulardagi huquqiy savodxonlik darajasi doimiy faoliyati, ya'ni ta'lim olish jarayonida huquqiy bilimlarni astoidil o'zlashtirishi, yuridik ma'lumotlarni egallashi, o'zining huquq burch hamda majburiyatlarini bilishi, tushunishi va to'g'ri faxmlashi baholay olishi, ulardan amaliy faoliyatda foydalanishi, amal qilib turgan qonunlarni o'rganishi kabilar yoshlari huquqiy madaniyatining o'ziga xos muhim jihatidir. Aynan shu jihatlarning hayotga tadbiq etishi esa yoshlari huquqiy madaniyatining amaldagi darajasini belgilaydi. Agarda yoshlari amaldagi qonunlarni huquqiy umumiyy qoidalar hamda jamiyatga xizmat qilayotgan normative aktlarning mohiyatini bilmasa, davlat hokimiyati strukturaviy tizimi, uning organlari va boshqaruvning funksiyalari, qonun normalaridan amalda foydalanish bo'yicha zarur ma'lumotlarga ega bo'lmasa, u holda ushbu yoshlarning huquqiy madaniyati borasida og'iz ochish birmuncha mushkuldir. Lo'nda qilib aytganda, yoshlardagi huquqiy madaniyatning negizini yoshlardagi huquqiy ongning yetukligi, ulardagi huquqiy savodxonlik darajasi hamda huquqiy bilimlarga ega bo'lish kabi jihatlar tashkil etadi. Bu esa o'z navbatida jamiyatdagi insonlarning xulq atvoriga o'ziga xos ta'sir ko'rsatmay qolmaydi. Amaldagi qonunlarni bilish hamda ularni o'rganish, ularni amaliyotda tadbiq qilish va huquqiy targ'ibot sohasidagi boshqa faoliyatlar yordamida ta'limda huquqiy bilimlarga ega bo'lish shakllanadi. Xulosa qilib aytganda yoshlardagi huquqiy madaniyatning yetukligi jamiyat taraqqiyotiga va rivojlanishiga chambarchas bog'liqdir.

Foydalilanigan adabiyotlar:

1. www.ziyonet.uz
2. www.arxiv.uz



ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШ ТАРИХИ

*Тўраев Равшанбек Нормамат ўғли
Давлат божхона қўмитаси
Божхона институти магистранти*

Аннотация: Замонавий ўзбек сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ташки савдо алоқаларини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, ташки савдони давлат томонидан тартибга солишидир. Ушбу йўналишни амалга оширишда ташки савдо операцияларини божхона томонидан тартибга солиш муҳим рол ўйнайди, бу аксарият ҳолларда божхона тўловларини йиғиш ёрдамида амалга оширилади. Божхона тўловларини ҳисоб чиқариш учун эса ўз навбатида божхона қиймати асос бўлиши билан ифодаланади.

Калит сўзлар: Божхона қиймати, Тариф ва савдо бўйича бош келишув(ГАТТ), Ҳақиқий қиймат, декларацияловчи шахс, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис.

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш божхона тизимидағи муҳим ва энг оғрикли муаммоларидан биридир. Товарларнинг божхона қийматини талқин қилиш ва уни аниқлаш методологияси масалалари кўпинча тадбиркорлар ва ҳокимият ўртасидаги зиддиятларга олиб келган.

Товарларнинг божхона қийматини тўғри аниқлаш жуда муҳим ҳисобланиб, хусусан бу жараён бир томондан бозор нархларига сезиларли даражада таъсир қилишида, бошқа томондан эса бу давлат бюджетини шаклланишига ҳамда иқтисодиётни ривожланишига бевосита салбий таъсир кўрсатиши билан боғлиқ ҳисобланади.

Божхона қиймати тушунчаси нафакат солиқقا тортиш тизимида, балки божхона назорати ва божхона расмийлаштируви тизимида ҳам асосий воситадир, чунки божхона божи, божхона тўловлари, акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғи каби тўловлар божхона қиймати асосида ҳисобланади.

Биз учун жуда қийин бўлган бу муаммо қадимги даврларда, урф-одатлар пайдо бўлиши билан бирга намоён бўлган. Божхона тўловлари даромадларни сезиларли даражада оширган. Дастрлаб солиқлар обьекти, қийматини ҳисобга олмаган ҳолда товарлар миқдоридан, импорт чоралар бўйича ундирилган. Вақт ўтиши билан божхона тўловлари миқдорини белгилашда товарларнинг қийматига эътибор қаратилган. Буни қадимги Ҳиндистонда божхона ва тарифларни тартибга солиш тараққиёти тарихидаги фактлар тасдиқлайди. Ўша даврда ривожланган бошқарув тизимининг муаллифи “Артазастра” қонунчилик тўпламини ишлаб чиқсан бош вазир Каутилия (м.ав 317-180) божхона солиқларини ҳисоблаш мақсадида товар оқимларини ўтиш йўлларини, тўлов шартларини, солиқларни, божхона жарималарини тўлашнинг аниқ тизимини яратган, унга мувофиқ тўловлар ҳисобланган солиқлар миқдорининг бир неча бараварида аниқланган. “Артазастра” тўпламида товарларнинг миқдори ёки қийматини мажбурий декларация қилиш кўзда тутилган. Агар унинг миқдори ёки қиймати етарлича баҳоланмаган бўлса, маблағ тегишли миқдордан саккиз баравар кўп тўланган.

Божхона қийматини аниқлаш ҳар доим машаққатли вазифа бўлганлиги сабабли, юк эгалари товарларни қийматини пасайтириб декларациялашга уриниб, божхона солиқлари миқдорини камайтиришига харакат қилишган. Шунингдек божхона органлари мансабдор шахслари ўз манфаатлари йўлида товарнинг ҳақиқий қийматини, баъзан эса ортиқча баҳолангандигини аниқлаш орқали катта миқдорда даромад топишган. Можарони ҳал қилишнинг вариантларидан бири адвалорем ставкалари (*товарларнинг божхона қийматининг фоизида*) эмас, балки аниқ ставкалар (*товар бирлиги учун пул кўринишидаги*) механизмидан фойдаланиш эди.

Англияда 1303 йилда энг оддий адвалорем бож ставкаси 5% яни (*1фунт учун 1шиллинг*) бўлган. Аммо товар эгалари ва божхона мансабдорлари ўртасида божхона қийматини аниқлаш бўйича тушунмовчиликлар олиб келинаётган ва экспорт қилинадиган товарларнинг рўйхати келтирилишини ҳамда шу рўйхат асосида товарларнинг бирлиги ёки оғирлиги бўйича уларнинг божхона қиймати белгиланишига келишиш орқали ўз ечимини топган. Бундай рўйхатлардан фойдаланиш амалдаги 5 фоизли божхона божи ставкасини ҳар бир маҳсулот учун ўзига хос ставкага айлантириди.



XVI-XVII асрга келиб олтини ярм нархга тушиб кетиши товарлар қийматига хам сезиларли даражада ўз тасирини кўрсатмай қолмади.

Нархларнинг кўтарилишини тўхтатиш учун 1620-йилдан бошлаб товарларга нархларни белгилаш бўйича комиссиялар тузилган. Комиссиялар товарларга нархларни белгилаган ва эълон қилган. Комиссия қарорини бузган савдогарлар учун товарларни мусодара қилиш ва жарима жазоси қўлланилиши билан таҳдид қилинган. Бироқ комиссиялар фаолияти ҳеч қандай реал фойда келтирмаганлиги сабабли савдогарлар уларни қабул қилмадилар. Буларнинг барчаси савдогарларни бойкот қилишга ундали ва савдо ҳаракатини секинлаштириди. 1643 йилга келиб комиссия бундай солиққа тортишни умуман имконсиз эканлигига амин бўлди. Чунки у товарларнинг бутун хилма-хиллигини қамраб ололмайди ва сифатидаги фарқларга тааллуқли эмас ва энг муҳими уларнинг микдори ёки етишмаслигидан келиб чиқсан ҳолда ушбу худудлардан ўз нархига эга бўлган импорт товарларга нархларни белгилаш мумкин эмас деган фикрга келишган.

1950 йилда Брюсселда товарларнинг божхона қийматини аниқлашнинг ягона методологиясини яратиш тўғрисида Конвенция имзоланди. **Божхона қиймати** товарларнинг нормал нархи (*яъни очиқ бозорнинг тўлиқ рақобати шароитида мустақил сотувчи ва харидор ўртасида тузиладиган нарх*) сифатида қабул қилинди, бу импорт қилувчи мамлакатнинг божхона чегарасини кесиб ўтиш жойида CIF¹ етказиб бериш шартлари билан белгиланади.

1979 йилда, **Тариф ва савдо бўйича бош келишув** (ГАТТ) ҳомийлиги остида Токио кўп томонлама савдо музокаралари доирасида ГАТТнинг 7-моддасини қўллаш бўйича келишув имзоланди. ГАТТ 7-моддаси яъни «Божхона мақсадлари учун товарларни баҳолаш» бунда божхона қийматини импорт қилинадиган мамлакатларга экспорт қилиш учун сотилганда товарларга амалда тўланган ёки тўланадиган нарх сифатида белгиланган.

Ҳақиқий қиймат эса импорт қилувчи мамлакат қонунчилигига белгиланган вақт ва жойда, худди шундай ёки шунга ўхшаш маҳсулот тўлиқ рақобат шароитида нормал савдо режимида сотувга кўйиладиган нархга тенг бўлиши керак.

Божхона қийматини аниқлашдан мақсад келишувнинг асосий тамойилини амалга ошириш хисобланади. ГАТТнинг 7-моддасига мувофиқ божхона мақсадлари учун олиб кирилаётган товарларни баҳолаш импорт қилинадиган товарларнинг ҳақиқий қиймати билан тасдиқланиши кераклиги шунингдек шунга ўхшаш товарларни баҳолаш миллий ишлаб чиқарилган ёки ўзбошимчалик билан ҳамда хаёлий қийматдаги товарларнинг қиймати билан асосланмаслиги керак.

Ҳозирги вақтда ушбу ҳужжат билан назарда тутилган божхона қийматини ҳисоблаб чиқишининг ҳалқаро тизими АҚШ, Япония, Европанинг барча мамлакатларида ва бир қанча ривожланаётган мамлакатларда қўлланилади.

Божхона қиймати бўйича маҳсус Техникавий қўмита мазкур Келишувни талқин қилиш ва ҳар хил можароли масалаларни ҳал этиш билан шуғулланади. Қўмита Брюсселда ишлайди (*у божхона ҳамкорлиги бўйича кенгаши ва ГАТТ билан биргаликда ташкил этилган*). Бундан ташқари маҳсус хукуматлараро орган — Божхона қиймати бўйича қўмита ҳам фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон ўз бож тарифини ишлаб чиқар экан, ушбу соҳада жаҳон амалиёти ютуқларини ҳисобга олиб ҳамда унга кўпчилик давлатлар эътироф этадиган ва фойдаланадиган божхона баҳолаш тамойилларини асос қилиб олди.

Божхона қиймати — замонавий божхона-тариф тизимларининг ғоятда муҳим жиҳати хисобланади. Бироқ, у шунингдек фискал манфаатлар йўлида божни ҳисоблаш ва миллий саноат тармоқларини рағбатлантириш ва химоя қилиш воситаси сифатида ҳам муҳимдир. Божхона қиймати божхона статистикаси, лицензиялаш ва квоталаш бўйича келишувлар, товарлар импортида ва преференциал тизимлардан фойдаланишда ундириладиган солиқлар ва акцизлар каби ташки савдонинг муҳим омиллари сирасига киради.

Олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ундирилиши божхона органларига юклатилган божхона божи, йигимлар ва бошқа тўловларни ҳисоблаш, шунингдек, божхона статистикасини юритиш, божхонага доир бошқа мақсадларда товарлар қийматини белгилаш, шу жумладан, божхонага оид хуқуқбузарликлар учун Ўзбекистон

¹ CIF (Cost,Insurance and Freight) етказиб бериш шарти Инкотермс



Республикаси қонунларида назарда тутилган чораларнинг қўлланилиши учун реал базани аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Бундан ташқари, товарларнинг божхона қийматини белгилаш тизимидан валюта назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотларни тўплаш ва таҳлил этиш мақсадида ҳам фойдаланилиши мумкин.

Ўзбекистан Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш тартиби, Ўзбекистон Республикаси **Божхона кодекси** ва унинг асосида қабул қилинган меъёрий хужжатлар билан белгиланади.

Товарнинг божхона қиймати божхона қиймати декларациясини тўлдирган ҳолда товарларни декларациялаш чоғида **декларацияловчи шахс ёки божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис** томонидан божхона органига маълум қилинади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январдаги ЎРҚ-400-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни билан тасдиқланган.
2. А.Шадманкулов, Пардаев Т. Божхона хизматининг фискал фаолияти. Тошкент, 2019, 88-б.
3. А.Шадманкулов. Божхона қиймати. Тошкент – 2018. 4-106.
<http://www.visnuk.com.ua/tu/>
4. <http://www.pbs-imex.uz/malumot/inkoterms/lang.uz>



ХУҚУҚ ФАНИНИ ЎТИШДА ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ.

Маматова Зарифа Баходировна
Зарафшин шаҳар 10-умумтаълим мактабининг
1-тоифали хуқуқ фани ўқитувчиси
z.islomova@inbox.uz
z.mamatova@umail.uz
Телефон: +99893-434-05-83

Ушбу мақолада хуқуқ фанини ўтишда илмий адабиётлардан фойдаланишнинг самарадорлиги, бугунги кундаги аҳамияти ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Шунингдек, ўқитувчилар учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам қайси илмий адабиётлардан фойдаланиш кераклиги тўғрисида тавсиялар берилган.

Калит сўз. Хуқукий маданият, тарихий манбалар, норматив хужжатлар, объектив тасаввур, фундаментал кутубхоналар, электрон ахборот тизимлари.

Хуқукий маданиятнинг юқори даражада бўлиши хуқукий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Хуқукий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда ўқувчиларда қонунларга ва норматив хуқукий хужжатларга нисбатан чукур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу вазифани бажаришда эса хуқуқ фанини ўқитишида алоҳида масъулият талаб этилади. Зоро, хуқукий нормалар ўқувчилар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади.

Бугунги кунда ўқув жараёнини тўлақонли тарзда ўқувчиларга йўналтириш имконини берадиган интерфаол усулларни излаб топиш ва қўллашга эктиёж сезилмоқда.

Ижтимоий-гуманитар таълимнинг асосий мақсади ўқувчининг ўқишига бўлган ижобий муносабатини, бугунги кунда энг зарур бўлган ўқиши, ёзиш саводхонлиги, турли маълумотлар билан ишлаш, асосий билимни ўзлаштиришда билиш ва уларни кундалик ҳаётда қўллай олиш, мантикий ва ижодий фикрлаш, ўз-ўзини бошқариш, жамоада ва жамиятда ўзини тута билиш, ёзма ва оғзаки мулокот маданияти қоидаларини эгаллаш, таълимий фаолиятни ташкил этиш каби кўникмаларни шакллантиришдан иборатdir. Ҳозирги кунда таълим жараённада инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларни ўқув жараёнига қўллашга бўлган қизиқиши, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири – анъанавий таълимда ўқувчилар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, ижтимоий-гуманитар таълимда замонавий технологиялар ўқувчиларни эгаллананаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто, холосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади.

Ўқувчилар давлат ва хуқуқ асослари фани дарслекларидағи материалларини ўзлаштиришда тарих, тарбия, шахс ва жамият, иқтисодий билим асослари маданиятшунослик ва бошқа умумижтимоий фанлар доирасида олган назарий билимлари таянч аҳамиятга эга бўлади. Юқоридаги фанларга оид ўқув адабиётларидаги кўпгина тушунчалар ва категориялар универсал характерга эга бўлиб, улар давлат ва хуқуқ асослари фанида кенг қўлланилади (моҳият, шакл, индивид, жамият, муносабат, онг ва бошқ). Назарий масалаларни ўзлаштиришда давлат ва хуқуқ тарихи фанидаги маълумотларга мурожаат қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга (Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар давлат ва хуқуқ тарихи). Тарихий манбалар ва маълумотлар давлат-хуқуқ ҳодисаларининг ривожланиш диалектикаси, уларнинг моҳияти ва қонуниятларини тушуниш ва ўрганишга катта ёрдам беради. Ҳар қандай назария муайян ижтимоий амалиётни ўзида акс эттиради ва унинг эктиёжларига бўйсундирилган бўлади. Шу нуқтаи назардан, замонавий жамият давлат хуқукий ҳаётига оид юридик амалиёт материалларидан фойдаланиш айниқса муҳимдир.

Шу билан бирга, давлат ва хуқуқ асослари фанини ўрганиш доирасида турли норматив-хуқукий актларга мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир. (Ўзбекистон Ре-



спубликаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ва бошқа норматив – хукуқий хужжатлар). Аниқ хукуқий материални таҳлил қилмасдан туриб, юридик нормалар тузилиши, юридик техника, хукуқий тартибга солишнинг методи ва предмети, хукуқ тармоқлари, юридик тамойиллар, хукуқий нормалар ва бошқа тушунчалар ҳақида обьектив тасаввур ҳосил қилиш қийин.

Мавзу ҳақида умумий тасаввур ҳосил бўлгач, ўқувчилик ўқитувчи томонидан тавсия этилган илмий ва бошқа манбаларни ўрганиб чиқиши лозим. Лекин ўқувчи мавзу бўйича тавсия этилган манбалар рўйхати билан чегараланиб қолмаслиги, фанга оид библиографияни ўрганиш натижасида мустақил танланган ишлардан фойдаланиши ҳам мумкин. Айниқса, ўтилган мавзу бўйича янги адабиётларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга, шунингдек юридик журналлардаги мақолалардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Адабиётларни ўрганиш жараёнида назарий ва амалий материалларни йифиб тизимлаштириш ва керакли маълумотларни қайд қилиб бориш тавсия этилади. Фан бўйича дарсликларда мактаб кутубхонасида мавжуд бўлган асосий манбалар тавсия этилган бўлади. Манбалар доирасини кенгайтириш учун бошқа кутубхоналар имкониятларидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тегишли маълумотларни монографик адабиётлар ва турли журналлардан фойдали маълумотларни олиш мумкин. Жумладан, Юридик энциклопедиялар, “Тошкент Давлат юридик институтининг Ахборотномаси”, “Хукуқ ва бурч”, “Фуқаролик жамияти”, “Демократлаштириш ва инсон хукуқлари”, “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” каби мамлакатимизда чоп этиладиган журналлар билан бир қаторда, МДҲ давлатларида нашр этиладиган юридик журналлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Давлат ва хукуқ асослари фанини ўрганишда ўқув адабиётлари сифатида охирги ўн беш йилда чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш тавсия этилади. Олдинги давр адабиётларидан ҳам фойдаланиш мумкин, лекин давлат ва хукуқ масалаларини кўриб чиқишида уларнинг мафкуравий йўналтирилганлигини ҳисобга олиш керак. Ўқув адабиётларидан фойдаланишда, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирликлари томонидан тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларига мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир. Фанни ўрганишда давлат ва хукуқ назарияси фанининг ривожланишига улкан ҳисса кўшган мамлакатимиз ва МДҲнинг таниқли хукуқшунос олимлари асарларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда ахборот олишнинг муҳим манбаи электрон ахборот тизимлари ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистонда «Норма», «Право» каби хукуқий маълумотлар тизими мавжуд ва уларда жорий қонунчиликка оид барча норматив-хукуқий актлар ўрин олган бўлиб, улар нафақат мутахассислар, балки оддий фуқаролар учун ҳам қулайлик туғдиради. «Норма» хукуқий маълумотлар тизими 2000 йил январда ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги пайтгacha тизимда ўзбек ва рус тилларида 60 дан ортиқ мавзудаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қонун ости хужжатлари ва бошқа норматив-хукуқий актлар жойлаштирилган. Ҳар ҳафта «Норма» тизимига 100 дан ортиқ янги хужжатлар киритилади. Бу тизимдан фойдаланувчилар ҳафталик янги хужжатлар базасини электрон почта орқали ҳам олишлари мумкин. Ўзода матбуот, радио ва телевидениянинг хусусиятлари ҳамда имкониятларини мужассамлаштирган ва ахборотни тезкор етказиб бериш даражаси бўйича энг мукаммал оммавий ахборот воситаси бўлган Интернетнинг хукуқшуносликка оид сайтлари орқали ҳам ўқувчилик “Давлат ва хукуқ асослари” фанига оид маълумотларни олишлари мумкин.

Ўқувчиларнинг давлат ва хукуқ асослари фанини мұваффакиятли ўзлаштиришлари учун тегишли ўқув ва илмий манбаларни тўғри ва етарли миқдорда тўплашлари катта аҳамиятга эга. Бундай манбаларни йиғиш жараёнида ўқувчилар таълим муассасаси кутубхонасидаги манбалар (китоблар) билан чекланиб қолмасдан бошқа ҳар хил кутубхоналарга ҳам мурожаат қилсалар мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан: А.Навоий номидаги Давлат кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси фундаментал кутубхонаси ва бошқ.

Ўқувчиларнинг хукуқшуносликнинг умумназарий ва фундаментал масалалари юзасидан чукур ва мустаҳкам билимларга эга бўлишлари учун илмий адабиётлардан



унумли фойдаланишлари муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, хуқуқ фанини ўқитишида муҳим илмий, ўқув услубий манбалардан фойдаланиш, мустақил таълим, ўқувчиларда давлат-хуқуқий муаммоларига оид маъruzalар ва ахборотларни тайёрлаш, омма орасида маъruzalар билан чиқиш, мунозараларга кириша олиш, илгари сураётган фикрини асослаш ва ҳимоя қила олиш кўникмаларини шакллантиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси”, “Ўзбекистон” нашри, Т: 2019 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш Милий дастур. Тошкент 1997 йил.
3. Сайдов А., Тожихонов У. Давлат ва хуқуқ назарияси. ИИ-жилд. Ҳуқуқ назарияси. -Т.: Адолат, 2001. –560 б.
4. Холмўминов Қ. Т. Давлат ва хуқуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2000. – 116 б..
5. А.Сайдов, У.Тожихонов Давлат ва хуқуқ назарияси. Тошкент. 2001 йил..
6. www.bilim.uz, www.kitob.uz, www.ziyo.net, www.n.ziyouz.com, www.islom.uz, www.norma.uz, www.pravo.uz, www.arxiv.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 23-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(1-қисм)

**Масъул мухаррир: Файзиев Шоҳруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев**

Эълон қилиш муддати: 31.12.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000